

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚҰМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан «Ленин учқуни» номи билан чиқа бошлаган

№ 25 (65852)
1995 йил, 11 июль, сешанба

Сотувда
эркин нархда

РАҲМАТ, РАИС БУВА

Мен ўқитувчи бўлсам-да, бутунлай бошқа нарса ҳақида, яъни бизнинг ҳомийимиз «Дўстлик» ширкат хўжалигининг мактабга кўрсатаётган ёрдами ҳақида гапирмоқчиман. Ўқиш даврида мактабимизнинг 125 нафар 1-синф ўқувчиларига кунига 10 сўмлик бепул иссиқ овқат беришди. Болаларга зарур бўлган сут, қаймоқ, гўшт, тухум, нон хўжаликнинг ўзида етиштириладиган маҳсулотлардир.

Ўқув йили якунланиш арафасида эса ширкат хўжалиги раиси К. Бобоев раҳбарлигида ўқув даргоҳини жорий таъмирлаш учун 100 килограмм бўёқ ва ишчи кучи ажратди. Сўнгги кўнғироқ тадбирида мактабни аъло баҳолар билан якунлаган ўқувчиларга турли совғалар улашилди. Бизни қувонтирадиган яна бир нарса шу бўлдики, К. Хўжабеков, Н. Юнусовлар уюшма йўлланмаси билан бепул дам олиб қайтдилар.

Б. ТУРДИҚУЛОВ,
Сирдарё вилояти, Шароф Рашидов тумани,
Муқимий номидаги мактаб ўқитувчиси.

«Бойхотин» — қишлоғимиз номи. Айтишларича, бу гузал гушада бадавлат бир онахон яшган экан. У ипак қурти парваришлагга ниҳоятда уста булиб, йиққан пилласини карвон йули Маргилон орқали узга юртларга элтар экан. Сафардан қайтганда эса бева-бечораларга озиқ-овқат, кийим-кечак улашаркан. Хуллас, топганини уртада халқ билан баҳам кўраркан.

Айтишларича, қишлоғимиз кишилари хулқ-атворидаги санийлик бағри кенглик, аҳиллик ва меҳнатсеварлик ана шу бой хотиндан мерос эмиш. Қишлоғимиз ҳуснига ҳусн қўшиб турган кўхна масжид ёнида киши диққатини тортувчи азим тут дарахт бор. Жаббор бобонинг айтишларича, Баховуддин Нақшбанд ҳазратлари уз устозлари Абдуҳолиқ Гиждувоний, яъни Хужай Жаҳонни зиёрат қилиб тут

соясиди дам олганлар ва халқимиз ҳақида дуо қилган эмишлар.

Қишлоғимиз тупроғига биз учун ардоқли булган буюк сиймолар қадами текканлиги билан ҳам фахрланамиз. Уста пахтакор Файзулла Юнусов, Зайнаб Омонова, моҳир пиллачи Муборак Шодиева, муҳаббат куйчиси Ҳамид Олимжон узининг «Юнус ота», «Зайнаб» очеркларининг илк сатрини шу ерда бошлаган булсалар ажаб эмас. Забардаст шоирамиз Зулфия Исроилова ҳам меҳмонимиз булганлар. Бувимлар ҳавас қилиб қизларининг исмини Зулфия деб атаганлар.

Хуллас қишлоғимиз ҳақида гапирверсам, сузим адо булмайди. Ўзбекистоним бир катта бог булса, қишлоғим шу богнинг энг сара гулдир.

Азизбек ЖўРАЕВ,
Бухоро вилояти, Гиждувон тумани, Файзулла Юнусов номидаги мактаб ўқувчиси.

«БОЙХОТИН» ДАН МЕРОС ЭМИШ



БИР ҲАФТА ЯНГИЛИКЛАРИ

Мирзо Улуғбек номли Самарқанд меъморчилик институти қошида техника-иқтисод лицейи очилди, бу ўқув даргоҳида таҳсил олувчи ўсмирларга чет тилини мукамал ургатишга алоҳида аҳамият берилади.

* * *

Андижон вилоятидаги бир гуруҳ ташаббускорлар туғма ва гўдақликдан ногирон болаларга ёрдам жамғармасини туздилар. Жамғарма уз таркибига ишбилармонлар, тиббиёт ходимлари, дилига эзгуликни сингдирган яхши ниятли кишиларни бирлаштирган.

* * *

Республика болалар бадий ижодиёт марказида Миср Араб Республикасининг мустақиллик кунига бағишланган кўргазма очилди. Унда болалар қадимий Миср давлатининг тарихи ва маданияти ҳақида ҳикоя қилувчи ранг-тасвир асарларини томоша қилишлари мумкин.

* * *

Хоразмда утган ой бошида вилоят туғруқхоналарида туғилган 84 чақалоқнинг ҳар бири номига Республика жамғарма банкининг вилоят бошқармаси ходимлари томонидан 3000 сўм қуйилган омонат дафтарчалари очилди. Болалар балоғат ёшига етишганида бу пул 19680 минг сўм булади.

* * *

Андижон шаҳридаги 3-пахта тозалаш заводи уз маҳсулоти турини узгартирди. Эндиликда бу ерда болалар учун ширин-шакар қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Мактабимиз — ўз уйимиз

Ака-ука Фуломжон билан Бахтиёр мактабга етиб келишганда ҳали қуёш ёйилиб улгурмаганди.

— Яшасин, ҳаммадан олдин келибмиз, синфдошларимиз етиб келгунча анча ишни қилиб қўямиз, — хурсанд бўлди Фуломжон қўлига болғачани оларкан. Бахтиёр эса кеча ўзи ажратиб қўйган синиқ стул, бир оёғи қийшайиб қолган стол ва бошқа буюм-



ўқув анжомларини бўёқдан чиқаришди, таъмирланадиганларини таъмирлашди.

— Бизга мих, болға, бўёқ, оҳак каби дастёрларимиз бўлса бас, ҳамма ишни қотириб ташлаймиз, — дейишди Фуломжон ва Бахтиёр Умаржоновлар ҳазил билан.

Ҳа айтгандай, юқоридаги сингари меҳнатсевар болалар ўқийдиган Тошкент вилояти, Зангиота туманидаги 81 — Тошкент шаҳри Абдулла Дўстматов номидаги мактабларда ўқув жойлари аллақачон таъмирланиб, янги ўқув йилига тахт қилиб қўйилди. «Ўқувчиларимизнинг ишлари шу қадар озода, тартибли, пухтаки, «мана ман» деган қурувчиларникидан қолишмайди» дейишмоқда уларнинг устозлари хурсанд бўлишиб.

Ҳа, болалар ўз билим даргоҳларини худди ўз уйларидек севишадди, шунинг учун ҳам уларни мактабга



мажбурлаб чақириш шарт эмас.

Т. ҲАМИД қизи.

Суратларда: Ўқувчилар иш пайтида.

Сураткаш: Равиль АЛЪБЕКОВ.

БОЛҒА, БҮЁК, МИХ, ОҲАК ДАСТЁР БЎЛИШ ДИ



ларни қулай жой танлаб олиб келди.

... Улар юмушларини тугатай деб қолишганда 5-синф хонасидан Салима ва Заҳролар чиқиб келишди.

— Биз сизлардан ҳам олдин келгандик, парталар билан полни бўяб бўлдик, — деди Заҳро болаларни ҳайрон қолдириб. Мабодо сизларга ҳам ёрдам керак бўлса, айтинглар.

— Раҳмат, — дейишди болалар, — энди фақат ўғил болалар бажарадиган иш қолди. Сизлар бораверинглар, ҳозир бошқалар ҳам келишади.

Зум ўтмай ака-укаларга бошқа синфдошлар ҳам келиб қўшилишди. Улар биргалашиб дераза ромлари, синфхоналар деворлари, парталар, стол-стуллар, доска ва бошқа

— Жамолдин, тезроқ, тезроқ югурсанг-чи, — дея қичқаришади бир гуруҳ болалар.

— Му-род, Му-род яна озгина қолди, — дея шовқин солишади қарши томондагилар.

— Мана курачилар, бу гал ҳам Жамолдин, албатта, голиб чиқади, — бахшлашади унинг дустлари.

Ха, улар адашишмади. Хар галидек югуриш мусобақасида яна Жамолдин голиб чиқди.

Биз Шайхонтоҳур туманидаги 186-мактаб оромгоҳига кириб келганимизда болалар жисмоний тарбия мураббийлари Вячеслав Андреевич бошчили-

гида лагерлараро «Кувноқ стартлар» мусобақасига тайёр-гарлик куришаётган экан.

Оромгоҳда 100 нафар бола дам олишяпти. Болалар фақат шу мактабдан эмас, улар орасида қушни 40-, 141-, 167-мактаб ўқувчилари ҳам бор. Оромгоҳда турт гуруҳ бўлиб, хар бирида 25 нафардан бола дам олмоқда.

Гуруҳларнинг номларини ҳам узлари танлашган: «Қалдирғоч», «Булбулча», «Би-нафша», «Гунча». Меҳрибон тарбиячи опалари улар қошида парвона.

— Бу йил оромгоҳимизга Тошкент педагогика билим

юртининг меҳнат мутахассислиги буйича бир неча талаба ишлаш учун келишган, — дейди оромгоҳ бошлиғи Раъно опа Холмухамедова. — Бундан ташқари, бир қанча тугарақларимиз ишларини олиб боришда бизга яқиндан ёрдам бераётган ёшлар ижодиёт марказидан мураббийлар ҳам юборилган. Улар рақс, тикувчилик, доирачилик, фотография, рассомчилик каби тугарақларимизга раҳбарлик қилишади.

Тугарақлар болалар билан гавжум. Бир хонада «Юмшоқ уйинчоқлар» тугарағи аъзолари миллий уйинчоқлар ясаётган бўлса, қушни хонадаа қизча — 3-синф ўқувчиси Гулнора Файзуллаева берилиб рақсга тушарди. Қизалоқни суҳбатга тортдик:


— Мен рақсга тушишни яхши кураман. Телевизорда рақс тушаётган опаларимга ҳавасим келади. Шунинг учун ҳам мана шу тугарақка аъзо бўлдим. Тугарагимиз раҳбари Санобар опамлардан бир қанча рақс ҳаракатларини урганиб олдим.

«Моҳир қўллар» тугарағига кирсангиз бирон бир гул дуконига кириб қолдимми дейсиз. Қизлар ясаган чиройли гулларни куриб завқингиз келади. Уғил болалар самолёт, машина ясаш билан овора. Мана шундай чиройли гулларни, самолётларни ясашнинг нозик сирларини ургатаётган мураббий — 98-мактаб-интернати-нинг меҳнат ўқитувчиси Тоҳир ака Усмонбеков укувли шогирдларидан хурсанд...

Шу тобда мактаб оромгоҳининг радиоузелидан «Сафланинг!» деган команда янгради. Болалар кувноқ қушиқ қуйлаб, сайрга отландилар.

Феруза ОДИЛОВА.

МЕХРИБОН МУРАББИЙЛАР АРДОҒИДА



«ГУЛДАСТА»ГА ОМАД КУЛДИ

«Гулдаста» болалар боғчасининг тарбияланувчиларидан таркиб топган «Гулдаста» командаси аъзоларига омад кулиб боқди. Услубчи Раъно Ашурова, тарбиячи Гулшод Гойибовалар раҳбарлигидаги команда қатнашчилари «Соғломжон-полвонжон» куриктанловида аввалига ўз боғчаларида, сўнг туманда, яқинда эса Қашқадарё вилояти куриктанловларида биринчилиқни қўлга киритдилар. «Гулдаста» республика куриктанловига жуда катта тайёргарлик кўрмоқда, — дейди боғча мудираси Назоқатхон Гойибова. — Бизнинг Гани Бурунов, Азизбек Худойбердиев, Элнур Каримов, Бекзод Омонов, Акмалжон Ражабов, Шахло Окбоева, Гулноза Исмаиловна, Нигора Нуриддинова каби «соғломжон-полвонжон»ларимиздан умидимиз катта. Улар республика куриктанловида ҳам узларини курсатадилар.

**Абдували ОБИДДИНОВ,
Қашқадарё вилояти, Касби
тумани.**

«ТОШКЕНТЛЕНД» ИШГА ТУШДИ.

— Вуй анави боғни, ташқариданоқ қандайлиги билинади-я, худди афсонавий яшил шаҳарнинг узгинаси!

— Уша яшил шаҳаринг яқинда ишга тушди.

— Кириши неча пул экан?

— Унчалик қиммат эмас.

— Биласанми, келгуси ҳафтада дадамлар албатта шу ерга олиб келмоқчилар.

Юнусобод тарафга қатновчи автобусга чиқиб қолсангиз, албатта болажонларнинг бир-бирларига юқоридаги сингари гапларни айтиб «мақтанаётганликларининг гувоҳи бўласиз.

Бу гап-сузлар бежиз эмас, албатта. Собиқ «Галаба» боғи ўрнида барпо этилган янги оромбахш маскан барча болаларнинг орзуси эди, у рўёбга чиқди, десак янглишмаймиз. Чунки «Тошкентленд», «Кунгил очиш боғи» деб аталмиш бу маскан ҳамдустлик мамлакатларининг биронтасида йўқ.

Боғда бўлган болалар ҳам, катталар ҳам завода учиси, йигирма-ўттиз метрлар узунликдаги эгма сув йуллари буйлаб сайр қилиши мумкин. Қолган томошалар ҳақида, «Тошкентленд»да яна бир бўлгач, айтиб бераман.

Адиба АБДУЛЛАЕВА.

Нонуштадан кейинроқ 2-отряд болалари етакчи Ҳакимжон Солиев бошчилигида Чотқол тоғ тизмалари пас-тидаги «Уйқудаги гўзал» адирлигига отландилар. Улар анча кўтарилишди, кўёш нури яққол ташланиб турган адирликда чўзилиб ётган ҳарсанглардан табиат яратган ёдгорликни кўрсатар экан, Ҳакимжон ҳикоя қилди:

— «Уйқудаги гўзал» қарийб 600 йил аввал қаттиқ жала ва ёмғирлар, дўл ва сел туфайли ҳарсанглардан пайдо бўлган.

Кейин у сўзида давом этаркан болаларни нариги ёқдаги адирликка бошлади. Болалар беш юз метрча юргач, улкан дошқозон шаклига келган жойда тўхташди.

— Мана бу ҳарсангларни кўраясизми, табиий офатлар натижасида емирилиб, дошқозон шаклига келибди, — дея у болаларга атрофни обдон таърифлади. Шу атрофда ушиб ётган доривор ўсимликлар — сачратқи, кийик ўт, бўзоч, чой ўт, наъматак, ромашкаларни ҳам бирма-бир кўрсатиб берди, болалар эса гербарий йиғдилар.

— Мазза қилдик-да, — дея 3-отряд болаларига гапириб берди Шарифа Муҳиддинова. — «Қозон»ни ҳам, «Уйқудаги гўзал» ёдгорлигини ҳам кўриб, табиат мўъжизаларига қойил қолдим.

— Нимасини айтасиз, — деди Дилором Ёқубжоновна, — доривор ўсимликлар ҳам, асосан Чотқол тоғ тизмаларида усаркан, биз 21 хил ўсимликдан намуналар йиғдик.



«УЙҚУДАГИ ГЎЗАЛ» АДИРЛИГИДА


Гулбахор Шамсуддинова, Муқаддас Қаюмова, Ботир Содиков, Гулнора Асракуловаларнинг таассуротлари ҳам зур бўлди.

Болалар ошхонада Анваржон Абдурашулов ва Дилшод Насриддиновлар тушликка тайёрлаган палов билан қарам шурвани иштаҳа билан тановул қилдилар. Сўнгра волейбол буйича иккинчи ва тўртинчи отряд беллашуви бошланди.

Етакчилар Комилжон Абдувоҳидов, Муқаддас Абдуалиева, Мусо Ганиевлар, тарбиячилар — Ҳакимжон Солиев, Болта Қосимов, Муқаддас Мирзакаримова

лар 110 нафар дам олувчи болаларни хар куни мазмунли хордиқ чиқаришлари учун ҳаракат қиляптилар. Тугилган кунларни нишонлаш; меҳнат кўникмаларини ҳосил қилиш, «Сув шоҳи» байрами, «Мўъжизалар майдони», «Ўзбекистон — менинг Ватаним» каби тадбирлар болаларда ватанга муҳаббат, миллий гурурни ошириш, билим ва маҳоратларни синаб куриш имконини бермоқда.

Жумладан, Наманган Давлат университетининг «Бадиий графика» ва «Умумтехника» факультети 3-курс талабаси, Ёшлар Иттифоқи кумитаси қотиби, университетнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияси соҳиби Ҳакимжон Солиев ташаббуси билан Ўзбекистон республикаси мустақиллигининг бўлажак тўрт йиллигига бағишланган «Асфальтга расм чизиш» мусобақаси бўлди. Наманган шаҳридаги 51-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Дилором Ёқубжоновна «Хумо куши» суратини, Ўзбекистон байроғини ҳамда мусаффо осмонни чизиб яхши таъриф бера олди. У 20 нафар ўқувчи уртасида голиблиқни қўлга киритди. Отабек Валиев тасавуридаги беғубор осмон ҳам барчада катта таассурот қолдирди. Мушарраф Сатторова



эса атоқли шоир Эркин Воҳидовнинг «Ўзбегим» шеърини ифодали ўқиганда барча офарин айтди. «Хар кунимиз мазмунли бўлсин» сценарийси асосидаги «Кувноқ стартлар» беллашуви, «Табиатни эъзозлайлик» кечаси ниҳоятда мазмунлилиги билан ажралиб турди.

Биз юқорида ҳикоя қилган Намангандаги «Гунча» ўқувчилар ором масканида 3-пахта тозалаш заводи ходимларининг 100 дан зиёд ўғил-қизлари хордиқ чиқаришмоқда. Бугун ушбу маскан кувноқларининг ҳаёти ҳавас қилгудек.

**Тургунпўлат СУЛАЙМОНОВ
Наманган вилояти.**

Азиз болажонлар! Сиз журналист ва олим бобонгиз Анвар Каримовни жуда яхши биласиз. У кишининг телеэкран орқали берилган жуда кўп мавзулардаги суҳбатлари, газета ва журналлар саҳифаларидаги турли мақолаларини ўқигансиз. Ҳозир у киши Мовароуннахр мусулмонлари диний идораси ахборот бўлимининг мудирини бўлиб фаолият кўрсатмоқдалар.

Бугундан бошлаб у кишининг «Ақл — Ҳасан, одоб — Хусан» рукни остидаги суҳбатларини бериб боришга аҳд қилдик. Агар уларни диққат билан ўқиб борсангиз, фойдадан ҳоли бўлмаслигига ишонамиз.

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳ ва барокатух! Ўзи пок, дили пок фаришта қизларим, фаришта ўғилларим, мурғак онларингизни бир эсланг. Кўзингизни очиб, илк бор оламга боққанингизда меҳригиз она чехрасини, ота қиёфасини кўрибмидингиз? Сизни оқ ювиб, оқ тараган, эркалаб суйган, едириб ичирган, кийинтирган, илк таълим-тарбия берган ота-онадир. Ота-она қалби бутун умрингиз давомида бағрингизни иситиб турувчи, нурафшон этувчи муҳаббат кўшидир. Бу икки зоти олийдан бир умрга қарздормиз. Буюк бобомиз Алишер Навоий ота-онани улуглаб айтган эканлар:

Бошни фидо айла ато қошига,
Жисмни қил садқа ано бошига.

Муборак ҳадису шарифларда «Жаннат онанинг оёғи остидадур» дейилиши бежиз эмас. Ота-онага нисбатан ҳурмат ва эҳтиром муқаддас туйғудир. Биз ота-она ҳурмати, иззатини жойига қўйиб, уларни бошга кўтарувчи халқмиз.

Сиз болалар олтин умримизнинг меваларисиз. Оилада фарзанд туғилиши катта қувонч. Фарзанд дунёга келиши билан ота-онанинг юмушлари кўпаяди. Ота-онанинг фарзанд олдидаги биринчи бурчи унга чиройли ва муносиб исм қўйишдир. Куръони Карим китобининг «Бақара» сураси оятида Аллоҳ таоло ҳар бир ота-онани ҳалол йул билан топганлари ила фарзандини моддий ва маънавий ризқлантириш, кийинтириш ва тарбиялашни буюрган. Дунёга янги келган меҳмонга ном қўйиш унинг тарбиясидаги биринчи қадамдир.

Халқимиз тарихида боланинг дунёга келиши — фарзандлик бўлиш қувончи ҳар бир оилада туйтомоша билан нишонланган, жигарлар, яқин қариндош-уруғлар, ошна-оғайни, ёру дуст, қўни-қўш-

ни, қолаверса эл-юрт томонидан муборакбод қилинган, турли маросимлар ўтказилган.

Дунёда неки жонли, жонсиз мавжудотлар, нарсалар, воқеа-ҳодисалар борки, ҳаммаси ўз номи, исми, атамасига эга... Уларда ҳар бир инсоннинг, маҳлуқнинг, буюмининг аҳамияти жиҳати ўз ифодасини топган бўлади. Халқ орасида инсон фазанди ўз хулқ-атвори, нуқсон ва фазилатлари, жумладан исми билан тугилади, деган нақл бор.

Ойша онамизнинг ривоят қилишларича, одамлар чақалоқларини пайғамбаримиз жаноб Расулulloҳ Акрамнинг ҳузурларига келтириб исм қўйиб, танглайини кўтариб, дуо қилишларини сўрашар экан.

ўзлари танимайдиган, билмайдиган одамлар билан учрашганда уларнинг қиёфаси, юриш-туришига қараб, исмини тусмоллаб айтганлар ва деярли янглишмаганлар.

Одамлар жуда қадим замонлардан буён исм ва унинг эгаси орасида муштараклик, қандайдир боғланиш, яқинлик борлигини сезганлар. Шу боис «Исми жисмига монанд» ибораси бежиз айтилмаганга ўхшайди.

Чақалоққа исм қўйиш ўзбек удумига кўра хонадон, қариндош-уруғларнинг энг ёши улуг, ўқимишли табаррук момо ва боболарга топширилади. Бордию улар илмли бўлишмаса, уларнинг раъйига қараб

тилларида олиниб, уларни хосиятли, инсонга бахт-саодат келтирувчи, Аллоҳ ва пайғамбарларнинг номларини эса табаррук деб билганлар. Шуро салтанати ҳукм сурган даврларда болаларга Маркс, Октябрь, Вилор, Инқилоб, Мелис каби сунъий исмлар қўйиш урфга айланди. Сифат белгиларига қараб Гулруҳ, Гулчеҳра, Наргиз, Лола каби исмлар қўйилган. Ота-оналар фарзандларим гулу-лолалардек нафис, муаттар ва ёқимтой бўлсин деб ният қилган бўлсалар керак. Ўғил болалар орасида Йулбарс, Шербек, Бўрибой, Арслон каби ҳайвонлар номи, Тешавой, Болтавой каби буюмлар номи, Ҳайитбой, Навруз, Жумабой, Чоршанбе, Байрам каби турли кун атамалари ҳам кўплаб учраб турарди.

Тельман, Долорес, Жанна, Индира сингари чет эл давлат ва сиёсий арбоблари, Темур, Бобур, Алишер, Улугбек, Фурқат, Нодира, Ойбек каби улуг аждодларимиз номлари кенг тарқалди. Бироқ бу номларни бола кўтара оладими-йўқми бу уйлаб кўрилмади. Халқимиз буларни ўтмишда ўтган буюк шахсларнинг юки оғир исмлари дейишади. Машҳур бадиий асарлар қаҳрамонларини, кино юлдузлари номини кўтариб юрган ўғил-қизларимиз қанчадан-қанча.

Миллий удумларимизга кўра ота-оналаримиз бир-бирларининг исmlарини айтиб чақиримайди. Бир-бирларига чуқур ҳурмат, илтифот кўрсатиб «си»лаб гаплашиб, «онаси», «дадаси» деб мурожаат қиладилар. Зарурат туғилганда, бегоналарнинг олдида катта фарзандларининг исмини айтиб гаплашадилар.

Танасида бирон бир белги билан туғилган болага Тоживой, Холдор, Ортиқ, Суннат, Бўрибой деб исм қўйиш одат бўлган. Буларга мос шаръий исмлар ҳам бор. Масалан, тиши чиққан ҳолда туғилган болага Идрис, йиғлоқи болага Нух деб исм қўйиш яхшироқдир. Юқорида айтилганлардан кўриниб турибдики, чақалоққа исм қўйиш тарбиянинг боши, гоят шарафли, шу билан бирга масъулиятли ишдир. Муҳтарам ота-оналаримиз янги туғилган фарзандларига чуқур уйлаб кенгашиб унга ярашиқли исм қўйсалар яхши бўлур эди. Болага шундай исм қўйилсинки, у ўсиб, улгайиб кексайган чоғида ҳам ўз номидан фахрланиб юрсин. Авлодлари ҳам унинг исмини ёдга олганларида диллари ёришсин.

**Анвар Каримов,
доцент, тарих фанлари
номзоди.**

Ақл — Ҳасан, одоб — Хусан

ИСМИДАН ФАХРЛАНСИН ЁКИ ЧИРОЙЛИ ИСМ ҲАМ ҲУСН

Пайғамбаримиз Муҳаммад Саллоллоҳу алайҳи вассаллам умматларига ўз фарзандларига гўзал исмлар қўйишни буюрганлар ва улар қиёмат куни ана шу номлари билан чақирилишини ўқтирган эдилар. У зоти олийнинг бир қанча саҳобаларининг исмини ўзгартирганликлари ҳам маълум. Масалан, бир саҳобанинг исми Ал Осий бўлган. «Исён этувчи» маъносида келадиган бу исмни «Мути» деб ўзгартирдилар. Бу исм—ибодат этувчи, бўйин эгувчи маъносини билдирар эди. Ҳазрати Умар розияллоҳу анхунинг Осиё исмли қизлари бўлган. Пайғамбаримиз унга Жамила деб исм қўйганлар. Ойша онамизнинг гувоҳлик беришларича хунук, қабих маъноларни англатувчи ёмон исмларни ўзгартириб юрганлар.

Саҳобалардан Абу Довуднинг ривоятларига кўра Азиз (катта обрў қозонган), Атала (муомаласи қаттиқ, шитоб), Ҳакам (ҳукм чиқарувчи), Ғуроб (қарга), Ҳабоб (шайтоннинг бир исми), Шихоб (дузахнинг бир шуъласи) каби исмларни инсон фарзандларига қўйилишини қаттиқ қоралаганлар. Аллоҳ ҳузурини исмларнинг энг мақбули Абдурахмон ва Абдуллоҳ деб айтганлар. Пайғамбарларнинг амаллари ва одоб-ахлоқлари бенуқсон, барча умматларга ибратли эканини эътиборга олиб, саҳобаларга пайғамбарларнинг исmlарини олишга даъват этганлар. Биз туркий халқларда ҳафтанинг қайси куни, қайси соати ва дақиқасида туғилганига қараб чақалоққа исм қўйишга жиддий қараганлар. Бу борада гоётда мазмунли ва ибратли китоблар чоп этилган. Шунинг учун ҳам ўтмишдаги буюк зотлар

маҳалла, масжиддаги илмли одамлар, уламои киромларга мурожаат қилинади.

Чақалоққа исм туғилганидан кейин еттинчи куни қўйилади. Аввал унгу қулогига азон, чап қулогига эса такбир айтилади.

Абу Рофе розияллоҳу анху пайғамбаримизнинг неваралари Ҳасаннинг қулогига азон айтаётганларини кўрганликларини ҳикоя қиладилар. Азон айтилганидан кейин унгу қўлнинг курсаткич бармоғини ширинликка теккизиб чақалоқнинг танглайи кўтариб қўйилади. Сўнгра сочи олинади. Шу дақиқадан бошлаб исм инсоннинг бир умрлик йўлдоши бўлиб қолади.

Қиз болаларга Руқия, Сожида, Жамила, Карима, Санобар, Мавжуда, Фотима, Заҳро, Зухра, Робия, Ризқия, Маҳбуба; ўғил болаларга эса Абдуллоҳ, Абдурахмон, Абдукарим, Абдусаид, Абдуваҳоб, Зикруллоҳ, Зийнатуллоҳ, Иброҳим, Ёқуб, Исмоил, Юсуф, Сулаймон, Илёс, Муҳаммад, Муҳаммад Амин, Муҳаммад Аббос, Зайниддин, Зухриддин, Муҳиддин каби исmlарни қўйиш мақбулдир. Миллий кадрятларимизни ҳурматлаб, фарзандларимизга муносиб, латиф ва нафис исmlарни қўйиш лозим.

Ўртоғингиз ё дўстингизнинг исмини тўлиқ айтиб чақирсангиз, бу унга қувонч бағишлайди. Бу — кишига руҳий таъсир этиш омилларидан биридир. Чиройли, ёқимли исmlар одамларда яхши кайфият пайдо қиладилар. Пухта уйланмай, палла-партиш қўйилган исmlар эса, аксинча одамларнинг асабига тегади.

Ватандошларимизнинг исmlари илгари кўпроқ араб ва форс

Шаҳодат буви қишдан бушашиброқ чикди, ҳали оғи, ҳали бели огриган, ҳали юраги безовта қилган, ичмаган дориси, қилмаган давоси қолмади. Аммо шифо топиши қийин. Шундоқ булсаям, унда нолиш, қақшаш одати йўқ. Биров аҳвол сураса «Худога шукур, қимирлаб турибман» деб қуя қолади. Чинданам у бирон ери огриб турса-да писанд қилмасдан уй юмушларига уннайверади. Ахир вақтида қозони қайнамаса, чойи дамланмаса, чоли тамаддисиз қолиб, аҳволи нима кечади!

Эзнинг иссиқ кунлари бошланаркан, Шаҳодат буви огриқлари камайиши урнига, янаям узини лоҳасроқ сеза бошлади. Энди унга невараларининг қий-чувлари ҳам малол келадиган бўлди. Чолининг кунглига огир ботмасин, деган андишда болаларга огиз очмай тишини тишига қуйди. Охири чидаш беролмасдан чолига ботинди:

— Сиз болаларнинг шовқин-суронини босармикансиз десам, қайтага узингиз ҳам уларга қушилсиз!..

— Дарвоқе, сузинг туғри, хотин. мени дарди-уйим шулар зеркишиб қолиб тагин... — Чол уёғини айтолмасаям Шаҳодат буви тушунди: чол набираларим кетиб қолишмасин деб чучийди...

Ҳар ҳолда Алим бува кампирининг аҳвол руҳиясини англаб етди. Уни кунда безовта қилмаслик ниятида набираларини тез-тез кучага опчиқиб кетадиган бўлди.

Шаҳодат бувининг бетоблигини угил-қизлари эшитишганди. Улар бот-бот келиб хабар олишадиган, уй юмушларига қарашадиган бўлишди. Сарвар билан Жавлонни дадаси олиб кетди. Уларнинг урнини қиз набиралардан Зулфия эгаллади. Бу йил бешинчи синфни битириб, ёзи таътилга чиққан Зулфиянинг билмаган иши йўқ. Бувисининг жонини киргизиб, буткул юмушини қуздан олди. Қозон-товоқдан қутулган буви энди уз муолажаси билан банд, бемалол ётиб ором олса бўлади. Зулфия унга эртаю кеч парвона. Узи ута хушёр, туйгун қиз эмасми, бувижониси киприк қоқишидан нима демоқчи эканини дарҳол фаҳмлайди. Огриқ оёғини, белни уқалаб қуяди, дорихонадан дори-дармон келтиради, огриқ ерини буглаш учун тоғорада қайноқ сув тайёрлаб беради. Кун исиб кетса елпигич билан елпиб, бувисини ухлатишга ҳаракат қилади.

Буви билан набира ҳамма нарасада тил топишадиган бўлишдию, фақат бир нарасада жиндек келишмовчилик чиқди. Гап шундаки, Шаҳодат буви уйқусида хуррак отади, отагандай ён-веридигиларга яхшигина эшитиладиган қилиб отади. Шу сабабли чолини уйқулари бузилмасин деб даҳлизга чиқар-

ган, узи ёлғиз ётадиган булган. Зулфия эса «бувингни ёлғиз қолдирма» деб ойиси айтган гапга амал қилиб, кечаси бувисининг ёнига урин солганди. Бувиси қайтарди: «Ровонга чиқиб ётақол, болам, хуррагимдан уйқинг бузилмасин». Зулфия булса кулиб: «Уйқум қаттиқ, бувижон. Хуррагингиз уёқда турсин, бомба портласаям уйқум бузилмайди» деди. Шундаям булса бувиси қуярда-қуймай урнини ровонга кучиртирди. Зулфия кунган бўлиб куриндию, лекин урнини ички хонанинг шундоққина эшиги олдига солиб етди. Бир-икки гал бувиси безовта булганда унга дори билан чой ичириб қуйди. Буни у, бувисининг раъйича, чироқ ёқмасдан, овоз чиқармасдан қилди,



бувасига сездирмади. Шундай кечаларнинг бири Зулфия учун ташвиш-ҳаяжонли бўлиб, мижжа қоқмади. Қулоқ солиб ётса, бувисининг хуррак отиши бошқачароқ чиқяпти. Хуррак урнга ихроқ босиб, нафас олишим бажороқ сезиляпти. Зулфия аста-аста сурилиб бувисининг каравоти ёнига яқинлашди. Бувисининг ихроғи янаям аниқроқ эшитилди. Шивирлагина бувисидан аҳвол сураганди, «юрагим, юрагим», дедди холос. Зулфия дори ичирмоқчи бўлди, эплаб ичиролмади. Биринчи марта Зулфиянинг дилига қўрқув тушди. Нима қиларини билмай эсанкираб турди, кейин узини қўлга олиб, ровонга чикди. Ички эшикни епиб қуйди-да, ровоннинг туридаги телефон ёнига келди. Кун ойдин шуъласида-бир амаллаб, овозини пасайтиргача «Тез ёрдам»га телефон қилди... Яна бувиси ёнига кирди, тусмоллаб булса-да озига дори томизди, елпигични топиб, елпишга тушди. Бувиси «раҳмат, раҳмат»дерди-ю, бошқа суз айтолмасди. Зулфиянинг қулоғи ташқарида эди. Бирмунча вақт утгач, кучада алланима визиллагани, сунг куча эшик дуқиллагани эшитилди. Зулфия чиқиб эшикни очди. Оқ халатли бир эркак билан бир хотин кириб келишди. Говур-гувур бошланиб, чироқ ёқилгандан кейин уз-узидан Алим буваём уйғониб кетган, капалаги учиб талмовсираган қуйи бу хонага кириб келганди. Духтир хотин Шаҳодат бувини текпиришга тушди.

Кукрагига қулоқ солиб, томир уришини санаб, қон босимини улчаб кўрди-ю, дарров укол қилишга тутинди. Маълум вақт кутгандан кейин «тузукмисиз, холажон?» деб беморни гапга солди. Шаҳодат буви юмук кузларини ярқ этиб очди. «Худога шукур» деб қуйди, енгил нафас олиб. Бувисига мулт-мулт термилганча қолган Зулфиянинг юзига қон югурди. Духтир хотин яна бир қарра беморга укол бергач, кунгли тинди шекилли, кетишга чоғланди. Эркак духтир булса шалвайганча утирган Алим бувани уз хонасига етаклаб кирди, чолининг бесаранжом жовдираган кузларига қараб, мулойим товушда:

ҲАКИМ НАЗИР

— Отахон, узингиз қалайсиз? — деб суради.
— Менми, — деди бува узини иложи борича маҳкам тутиб, — мана қуриб турибсан, уғлим...
— Яшанг, отахон, жойидасиз. Буш келманг, — деди духтир далда берувчи оҳангда ва овозини пастлатиб тайинлади, — энди холам ҳам тузалиб қолади-лар. Хайриятки, «Тез ёрдам»ни вақтида чақирибсиз.

Башарти-чи, худо курсатмасин сал кечикканингизда чатоқ буларкан... Бундан кейин ҳам шунақа қуз-қулоқ бўлиб турасиз!.. Алим бувага бу гап калтак теккандай бўлиб туюлди. Кампиридан беҳабар бошқа хонада ётгани узига қор қилиб кетганди. «Тез ёрдам»чақирган мен эмас, дейишга тили бормасди. Духтир кетгач унга шу савол тинчлик бермади. Уйқуси қочди. Эрталаб Шаҳодат буви хиёл узига келганди, чолини укситмай деган кунгилда дастурхон ёнига боришга узини мажбур этди. Шунда Алим бува яна «Тез ёрдам» қандай келиб қолдйкин деган саволни қайтарди. Шаҳодат буви индамасдан уларга чой қуйиб бериб утирган Зулфияга меҳр тула ҳоргин кузлари билан ишора қилди-да, чолига деди:

— «Тез ёрдам» узича келмаган албатта. Уни чақирган бу қоқиндигим-да...
— Ия, шунақа дегин-а?! — Алим бува-нинг кузлари нақ қинидан чиқаёзди, ичидан қайнаб келган ҳаяжонли сузларини ифодалашга тили ожизлик қилди. Бувижонисини бир фалокатдан сақлаб қолган жондан азиз набиратинини бағрига босиб, пешонасидан чулп-чулп утди ва:
— Бувинга тез ёрдам курсатолган сенинг узинг булсан, болажоним! — дедди.
Бу гап Шаҳодат бувини кургани келганларнинг барига тарқалди.
Ҳамма энди Зулфиянинг исмига «тез ёрдам» лақабини қушиб айтадиган бўлди...

Топинг-чи? УЧ ЖИЯННИНГ ТҮРТ ТОҒАСИ


Уч холавачча: Гулмира, Гулбаҳор, Гулшодалар тоғалариникига меҳмонга боришиб, ўзларига берилган иккита саволга жавоб топишга киришдилар:

1. Тоғалари Султон, Самад, Саид, Юсуфларнинг исмларида мавжуд бўлган умумий ҳарфларни топиш;
 2. Тоғаларидан иккитасининг биринчи ҳарфи, учинчисининг иккинчи ҳарфи, тўртинчисининг тўртинчи ҳарфи ва биринчисининг бешинчи ҳарфи ёрдамида яна бир сўз — исм ҳосил қилиш.
- Сиз ҳам киришиб кўринг-чи, улар бу саволларга қандай жавоб қилишибди, экан?

Бошқотирма ЖОЙЛАШТИРИНГ-ЧИ


Азиз ўқувчилар! Шакл атрофидаги айланаларда берилган сўзларни бўш қаватларга ёзинг. Бунда ҳар икки тараф йўналишида ўқилганда ҳам айнан шундай сўзлар келиб чиқсин.

Тузувчи, Фозилжон ОРИПОВ.



Ўрмон ҳангомалари

Жонивор каттами, кичикми, кучлими, кучсизми, бунинг фарқи йўқ. Ҳамма гап хушёрликда ва ақлни ишлатишда экан. Бир куни тулки қуёнга: «Дустим, кел, қулингни бер, бир сўрашайлик» деди ва унга аста яқинлашди. Қуён: «Сўрашиш юракдан бўлса, қўл бериш шарт эмас, ассало-



му алайкум, саломатмисиз!» деди узокдан туриб.

Бирдан тулки ҳазиллашган бўлиб қуённи қувди, қуён қочди. Шунда қуённинг кўзи филга тушиб қолди. У шартта филнинг улкан оёқлари орқасига яшири-ниб олди. Фил бўлса ҳартуми билан утларни чимдиб озгига соларди. Тулки филдан бир оз нарида тўхтади. Кузларини филнинг оёқларидан узмай даргазаб қиёфада тураверди. Орадан бир оз вақт ўтди. Буни курган фил: «Бу хомкалла ҳали очликка чи-долмай менинг оёқларимни мул-жалга олаяпти шекилли», дея хавфсиради ва хартумини чўзганча тулкини шартта ердан узиб коптокдек улоқтириб юборди. Қуён буни куриб: «Яшанг фил ака, яхшилигингиз учун ташак-кур» дея хохлаб югуриб кетди. Фил булса ҳеч нарсага тушунмай хайрон қараб қолди.

«ШОШМАЙ ТУР, ҚУЁНВОЙ!»

Қуёнвой ўз ортидан шер таъқиб қилиб келаётганини сезди-да, ура қочди. Шер бўлса: «Қаергача ҳам қочардинг, икки қадамда етиб оламан, дея аста лўқиллади. Энди етай деганда қуён ер остидаги ўз уйчасига кириб кетди. Шер унинг ортидан инга кирмоқчи бўлувди, тумшуги зўрга сиғди. У нима қиларини билмай, ўша ерда чўзилди.

«Қаерга ҳам борардинг, барибир оч қолсанг, албатта чиқасан, менинг бўлса вақтим кўп, бемалол кутаман» деди.

Қуён қараса шер ҳали-бери кетадиганга ўхшамайди. У ҳам бекор ўтирмасдан уйчасининг бошқа трмонидан юқорига қараб туйнукча очди. Чиқиб қараса, шер уни кутиб бемалол ястаниб ётибди.

У фурсатни бой бермай шернинг уйи томон йўл олди. Борса, шер боласи онасини сабрсизлик билан қутаётган экан. У қуённи кўриб бир оз чўчиди. «Ҳозироқ кетинг, ойим келсалар сизни еб қўядилар» деди.

«Ойинг менинг дўстим-ку, бу ерга ҳам мени у юборди. Сени олиб кетгани келдим», деди қуён мулойимлик билан.

Қуён яна ўша туйнукчадан шер боласини ўз инига олиб кирди ва тушунтирди. «Мана шу йўлакдан тўғри борсанг, онангнинг олдидан чиқасан, у сени қачондан буён кутиб ётибди».

Шер боласи қуённинг айтганларини бехато ба-жарди ва... «Мана, тутдимми?» деган онасининг аламли башарисини кўрибди... «Шошмай тур, қуёнвой!».

Зулфия ШОДИЕВА.

РАДИО-ВИКТОРИНАДА ИШТИРОК ЭТИНГ

Яқинда Ўзбекистон радиоси «Маориф ва тарбия» бош муҳарририятининг «Келажак тонги» эшиттириши «Ўзбекистон Қизил Яримой жамиятининг 70 йиллиги олдидан» руқни остида радио-викторина эълон қилди. У Ўзбекистон Қизил Яримой жамияти Марказий Қумитаси билан ҳамкорликда ташкил этилган бўлиб, шу йилнинг 23 октябрида яқунланади. Яна шу куни голиб ўқувчилар ҳам эълон қилиниб, Тошкентга тақлиф этилади.

Азиз ўқувчилар! Викторинанинг дастлабки туртта саволини эълон қилишимиздан мақсад, ҳали унинг яқунланишига анча вақт бор. Демак, сиз ҳам бемалол синовда қатнашишнингиз мумкин. Бунинг учун сиз диққатингизга дастлаб ҳавола этилган туртта саволга жавоб топиб, исми-шарифингиз, мактабингиз, турар жойингизни тулиқ ёзиб юборинг.

Манзилгоҳ: Тошкент — 47, Ҳоразми кучаси, 49-уй.

«Келажак тонги», «Бола ва дунё» эшиттиришига. Диққат! Викторина саволларини эълон қиламиз:

1. Ўзбекистон Қизил Яримой жамияти қачон ташкил топган ва унинг биринчи фахрий раиси ким эди. Ҳозирда-чи?
2. Сизнинг мактабингизда «Саломатликнинг ёш дустлари» уюммаси борми? Агар булса у қандай ишларни амалга ошироқда?
3. Халқаро Қизил Ҳоч ва Қизил Яримой жамиятларининг Федерацияси қайси давлатда жойлашган?
4. Тиббиётда куп индизтиладиган доривор гиеҳларнинг асосий турларини айтиб бериш?

Эслатма: Навбатдаги туртта саволни кутинг.

Бехзод ҲАЙИТМЕТОВ,
«Бола ва дунё» эшиттириши муҳаррири.

ТОНГ ЮЛДУЗИ
Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Бош муҳаррир Умида АБДУАЗИМОВА

Тахрир хайъати:
Наримон ОРИФЖОНОВ,
Феруза ЖАЛИЛОВА,
Раҳима ШОМАНУРОВА,
Марат ШАФИЕВ,
Сайриддин ХОЛОВ
(масъул котиб)

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табақ. Буяортма — Г 0301. 11.000 нускада босилди. Қоғоз бичими — А-3. Босишга топшириш вақти 19.00. Топширилди — 18.30

Рўйхатдан утин тартиби № 060137
Манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кучаси, 32-уй.
Телефон: 33-44-25